Н.Рахмонов **фольклортаныў** тараўының айырым тәреплерине бағышланған актуал темалардағы мақалалары менен де илим-пәнге жақсы таныс. Сондай-ақ, «Туркий ёзма адабиёт ва оғзаки эпик анъаналар муносабатига доир», «Фольклоризм ва мифологизация – қадимги туркий адабиёт асоси», «Маросимлар ва одатлар», «Ёзма манбаларда Наврўз», «Туркий халқлар сеҳрли эртакларида эврилиш (метаморфоза) ва унинг мифологик сюжетлар билан муносабати» сыяқлы мақалалары да усындай характердеги мақалалар есапланады.

Насимхон Рахмонов шебер педагог ҳәм жетик алым сыпатында жоқарғы тәлим системасында көп жыллардан берли Классик әдебият тарийхы, Текстология, Өзбек тили тарийхы, Тюркология сыяқлы пәнлерден мыңлап студент ҳәм магистрантларға сабақ берип келмекте. Илимий басшылығы ҳәм мәсләҳәтшилигинде отыздан артық илим кандидатлары, филология илимлери бойынша философия докторлары (PhD), илим докторлары жетисип шыққан. Алымның илимий басшылығында бүгинги күнде де бир неше қәнигелер илимий изертлеў жумысларын алып бармақта.

Мәнаўый байлықларсыз халықтың өтмиши де, келешеги де ғәрип деп билген алым тюркология тараўының раўажланыўындағы нәтийжели илимий изертлеўлери, түркий халықлар мәнаўый мәдениятын жоқарыға көтериўдеги мүнәсип үлеси ушын халық аралық көлемдеги сыйлықлардың ийеси болған. 2017-жылда Анкарадағы Туркия стратегиялық изертлеўлер орайының сыйлығы менен, 2018-жылда Қазақстандағы Халқара Түрк академиясының гүмис медалы менен гүмис, 2021-жылда Қазақстан халқы Ассамблеясы басшысы (Нурсултан Назарбаев)тың «Бирлик» алтын медалы менен сыйлықланған.

Орны келгенде айтып өтиў керек, Н.Рахмонов қарақалпақ фольклоры ҳәм әдебиятының да жанкүйери, агитаторы, изертлеўшиси есапланады. Бул тараўда қарақалпақ жазыўшылары, фольклортаныўшы ҳәм әдебияттаныўшылары ҳаққында жазған бирқатар мақалалары, пикирлери, сондай-ақ, оның Өзбекстан ҳәм Қарақалпакстан халық жазыўшысы К.Каримовтың «Уллы дәшт бөрилери» романы ҳаққында жазған сын характердеги мақаласы менен бирге әдебияттаныўшы алымлар Қ.Жарымбетов, Қ.Оразымбетовлардың докторлық диссертациялары ҳәм монографиялары ҳаққында пикирлерин айтып отиў орынлы.

Өзбекстанның түрли аймақларынан табылған әййемги түркий тил дәўирине тийисли барлық жазыўларды жыйнап атырған ҳәм оларды жәмлеп атлас басып шығарыўды өз алдына мақсет етип қойған филология илимлери докторы, профессор Насимхон Асқарович Рахмоновтың усы жыл 70 жыллық мүбарек жасы нышанланбақта.

Жуўмақлап айтканда, филология илимлери докторы, профессор Н.А.Рахмоновтың алтын мийрасларымыздың аўыр жүгин тартып киятырғаны, оның түп мәнисиндеги фольклорымыз ҳәм әдебиятымыздың бийбаҳа мәнаўый-эстетикалық тәреплерин мүнәсип ашып берип, өз ўақтында жеткерип берип атырған, тек ғана өзбек халқының емес, бәрше түркий халықлардың ең алдыңғы қатардағыданышпан дарғаларынан бири болып киятырғаны ҳәм буннан кейин де сондай болып қалары сөзсиз.

**Әдебиятлар**


1. Түркология. Қожа Ахмет Ясауи атындағы халықаралық қазақ-түрік университеті журналы. Түркістан, 2018. № 1 (87). Қаңтар-ақпан / January-February. 7-27-б. https://dergipark.org.tr/en/download/issue-full-file/69439
2. Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари (Ҳ.Болтабоев билан ҳаммуаллифликда). 1-жилд. – Тошкент: «Фан», 2003.
3. Ўзбекистоннинг кўҳна туркий-рун ёзувлари. Илмий-оммабоп нашр (Б.Матбобоев билан ҳаммуаллифликда). – Тошкент: “Фан”, 2006.
4. Олтун ёруғ. 1-китоб. – Тошкент: “Фан”, 2009.
5. O‘zbek tili tarixi. Darslik. Q.Sodiqov bilan hammualliflikda. – Toshkent: O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2009.
6. Ўзбек адабиётини даврлаштириш масалалари. Монография. – Тошкент: «Mumtoz so‘z», 2016.
7. O‘zbek adabiyoti tarixi (Eng qadimgi davrlardan XV asrning birinchi yarmigacha). O‘quv qo‘llanma. – T.: Sano-standart, 2017.
8. «Шарқ юлдузи» журнали. 2018 йил 2-сон.
9. https://tiladabiyot-tm.uz/faxriy-ustozlarimiz/
10. http://til.gov.uz/uz/news-and-announcements/news/27
11. https://uza.uz/oz/posts/mangu-bitik-toshlar-ilhomi-01-04-2020



**РЕЗЮМЕ.** Мақолада туркий адабиёт ва фольклор билимдони Насимхон Асқарович Раҳмоновнинг илмий-ижодий фаолияти, яратган илмий мактаби, илмий меҳнатлари таҳлил қилинади. Шунингдек, Олимнинг адабиёт ва фольклор, манбашунослик, тилшунослик хусусидаги назарий қарашлари келтириб ўтилган.

**РЕЗЮМЕ.** В статье анализируются научная и творческая деятельность, созданная им научная школа, научная деятельность Насимхана Аскаровича Рахмонова, знатока турецкой литературы и фольклора. Упоминаются также теоретические взгляды ученого на литературу и фольклор, источниковедение, языкознание.

**SUMMARY.** The article analyzes the scientific and creative activity, the scientific school he created, and scientific work of Nasimkhan Askarovich Rahmonov, a scholar of Turkish literature and folklore. The scientist's theoretical views on literature and folklore, source studies, and linguistics are also mentioned.


# ЯССАВИЙ ҲИКМАТЛАРИДА МАЖОЗ ВА ҲАҚИҚАТ


**М.А.Атаниязова –** *катта ўқитувчи*

*Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети*



**Таянч сўзлар:** Яссавий ва тасаввуф, ҳикмат ва ишқ мавзуси, ҳикмат ва таносуб санъати, ҳикматларда маърифат ва комиллик мавзулари.

**Ключевые слова:** Ясави и суфизм, тема мудрости и любви, искусство мудрости и меры, темы просветления и совершенства в мудрости.

**Key words:** Yasawi and Sufism, wisdom and love, art of wisdom and measure, themes of enlightenment and perfection in wisdom.


Навоий ҳазратлари «Насойим ул-муҳаббат»да «…Мақомоти олий ва машҳур, каромоти мутаволи ва номаҳсур эрмиш. Муриду асҳоби ғоятсиз ва шоҳу гадонинг иродат ва ихлоси остонида ниҳоятсиз эрмиш», [1:438] - деб таърифлаган зот Аҳмад Яссавийдир.

Ўзбек тасаввуф адабиёти ҳақида гапирилганда Аҳмад Яссавий ижоди ҳақида фикр юритмасдан иложи йўқ. Негаки, тасаввуфий ғояларнинг айнан туркий адабиётда ифодаланиши Яссавий ижоди билан бошланган. Ушбу мақоламизда профессорлар Абдурауф Фитрат, Иброҳим Ҳаққуловларнинг Яссавий ҳаёти ва ижоди, яссавийлик тариқати, ибодат адабиёти ҳақидаги тадқиқотларига таянган ҳолда ўз фикр-мулоҳазаларимизни таҳлиллар асосида беришга ҳаракат қиламиз.

Хожа Аҳмад Яссавий тариқат соҳиби сифатида хориждаям машҳур бўлган яссавийлик асосида кейинроқ бектошийлик, абдорлик каби силсила ва тариқатлар вужудга келган.

Яссавийлик тариқати XX аср бошларига қадар

Марказий Осиёда мавжуд бўлган, хорижда эса Шарқий Туркистон (ҳозирги Туркия) ҳудудларида шу кунда ҳам амалда эканини тасдиқловчи манбалар бор. Яссавийлик нафақат тариқат сифатида, балки адабий мактаб сифатида ҳам тараққий этган. Бу йўналишда ўнлаб ижодкорларни, ҳикмат муаллифларини келтириш мумкин: Ҳаким Сулаймон ота, Қул Убайдий, Азим Хўжа Эшон девони ҳикмат соҳиблари сифатида адабиётдан ўрин олган.

Аҳмад Яссавий туркий тасаввуф шеъриятининг илк яратувчиси ҳамдир [4,2], мақоладаги ҳамма мисоллар қавсда кўрсатилган манбадан олиб таҳлил қилинди. Адабиётда ҳикмат жанрининг пайдо бўлишини Яссавий номи билан боғлаш мумкин. Ҳикматлар 4 байтли бўлган. Баъзи ҳикматларда 1-2-3-мисралари қофияланган, баъзиларида 4 мисра ҳам қофияланган.

Яссавий ҳикматлари вазнда, қофияда, услубда халқ оғзаки адабиётидаги шеърларга яқин туради, бу эса шоир ижодининг халққа тез етиб боришини таъминлаган.

Масалан:

*Ул дарахтнинг мевасидан **тотқон** қуллар,* а
*Дунё мулкин охиратқа **сотқон** қуллар,* а
*Гўр ичинда осойишда **ётқон** қуллар,* а
*Саҳарларда кўз ёшини **уммон** қуллар.* а

*Ҳиммат қурин*[1] *Қул Хожа Аҳмад, белга **боғла,*** б
*Муҳаббатнинг ўти билан юрак **доғла,*** б
*Яқонг тутиб, тонг отқунча тинмай **йиғла**,* б
*Шояд сенга раҳм айласа, **жонон** қилур.* а

Ҳикматларнинг бош ғояси тасаввуфдаги тавҳид, яъни фикр, сўз ва амалиётнинг бирлиги, Илоҳий бирлик каби тушунчаларни бадиий ифода орқали беришдир. Тасаввуф маслаги руҳ ва кўнгил оламини нафсни тарбиялаш билан гўзал ахлоқ билан сифатланишдир. Бу каби тушунчалар тасаввуф адабиётида илоҳий ишқ мавзуси билан боғлиқ ҳолда ифодаланади.

Юқорида келтирилган ҳикматда ҳам «муҳаббат ўти» - «дунё мулкига муҳаббат» эмас, балки «илоҳий ишқ» сифатида ифодаланган. Негаки, дунё мулки – фоний, ўткинчи бўлганлиги учун бу мулкка бўлган муҳаббат ҳам ўткинчидир, фоний муҳаббат эса инсон маънавиятини тарбиялай олмайди, балки қалбнинг иккиланиш, бўлинишларига сабаб бўлади. Илоҳий ишқ эса инсон қалбида сокинликни таъминлаб, эҳтиёжсизлик сари юксалтиради. Бу эса комиллик шартларидан биридир. Ҳикматда *қул* – ошиқ тимсоли, *жонон* – Аллоҳ тимсоли. Шоир ижодида ошиқ тимсоли сифатида *қул* сўзидан ташқари *дарвеш, ошиқ, гадо* каби сўзларни истилоҳ сифатида ишлатилган.

Шунингдек, Яссавий ижодида ишқ сўзи билан бирга муҳаббат сўзининг ҳам кўп ишлатилганлигини кўрамиз. Сабаби дастлабки сўфий шоирлар Қуръони каримда «Ишқ» сўзи бўлмаганлиги учун кўпроқ «Муҳаббат» калимасидан фойдаланишган. Кейинги даврларда эса тасаввуфий бадиий адабиётда асосан «Ишқ» сўзининг ишлатилганлигига гувоҳ бўламиз.

*Кеча-кундуз тоат қилса ўшал **ошиқ**,*
*Бу дунёда гуноҳидин бўлар фориғ,*
***Дарвешлар**ни ғийбат қилган ул мунофиқ,*
*Маърифат қадрини қачон билур? [4:69]*

каби ҳикматларида илоҳий ишқ мавзусининг рамз, мажоз, тимсоллар орқали дидактик мазмун билан бирлашиб кетади. Яссавий фикрича барча хатоларнинг бошланиши дунёпарастликдир, бу эса инсон камолотига тўсқинлик қилади:

Дунё молин йиғиб, йўлин йитургонлар,
Эссиз умрин куфр ичинда кечургонлар,
Қуловузсиз биёбонда юругонлар,
Муҳаббат қадрини қачон билур?

[1] Кур – бу ерда: камар, белбоғ.

Таносуб – арабча сўз бўлиб, “бир-бирига муносиб” маъносини беради, яъни шеър байтларида маъно жиҳатдан бир-бирига яқин тушунчаларни англатувчи сўзларни қўллаб, улар воситасида образли ифода ва лавҳаларни яратиш санъатидир. Яссавий ҳикматларидан мисоллар келтирамиз:

*Нокас, хасис, бедиёнат қуллар ҳоким,*
*Моуманлик ҳаддин ошиб бўлди золим,*
*Халқ ичинда хор бўлдилар дарвиш, олим,*
*Ҳимояти халқни кофир бўлди кўрунг.*

Эътибор қилинса, шоир ижодида бундай мазмундаги ҳикматлар тарихий зарурат ва даврнинг маънавий эҳтиёжи туфайли вужудга келган. Шоир бу ҳикматда баъзи одамларнинг нокас, хасис, бедиёнат золимлиги, халқ орасида дарвеш олимларнинг хорланиши, халқ ҳимоячиси кофирлар бўлгани ҳақида тарихий воқеаларни, халқ ҳаётий қийинчиликларини образли тасвир орқали бера олган.

Ушбу мисраларда қўлланилган *нокас, хасис, бедиёнат, золим, кофир, дарвеш ва олим* сўзлари маъно жиҳатдан бир-бирига яқин тушунчаларни англатувчи бўлганлиги сабабли, бу шеърий байтда таносуб санъати қўлланилган.

*Тариқатдур бу йўл отин билса дарвеш,*
*Маърифатни матоъидин олса дарвеш.*
*Ўзга йўллар бори ҳавосонса дарвеш,*
*Маърифатни майдонида эр ул бўлур.*

Бу шеърий мисраларда келтирилган тариқат ва маърифат бу тасаввуф босқичлари сирасига кириб бу ерда *тариқат, маърифат, дарвеш* сўзлари орқали таносуб санъати ҳосил қилинган.

*Маърифатнинг бўстонида жонин берғон,*
*Муҳаббатнинг майдонида бош ўйноғон*
*Ҳақиқатнинг дарёсидин гавҳар олғон,*
*Ғаввос янглиғ ул дарёдин чиқмас бўлур.*

Бу шеърий мисрада ҳам маърифат ва ҳақиқат тасаввуф босқичлари, муҳаббат эса Оллоҳни севиш бўлиб таносуб санъати, ҳақиқат дарёсидан гавҳар терган киши билан дарёга бетиним шўнғийдиган киши бир-бирига қиёсланиб ўхшатиш санъати ҳосил қилинаяпти.

Абдулла Авлоний «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» китобида инсон жасади ва нафси нуқтаи назаридан мураккаб эканлигини таъкидлаб, инсон хулқлари ҳақида тўхталади. Гўзал ахлоқ эгаси бўлиш учун одам маълум таълим-тарбия жараёнидан ўтиши лозим. А.Авлоний китобида яхши хулқлар сирасига диёнат, ғайрат, риёзат, қаноат, шижоат, илм, сабр, ҳилм, интизом, виждон, ватанни суймак, ҳаё, муҳаббат, авф каби фазилатлар киритилган. Салбий хулқлар деб ғазаб, шаҳват, жаҳолат, адоват, ғийбат, ҳақорат, ҳасад, нифоқ, тамаъ, зулм кабилар саналади.

Юқорида саналган фазилатлар билан безаниш, яъни нафс мартабаларини комиллик сари ривожлантириш учун, албатта, Аҳмад Яссавий айтганларидек пир ёрдамида риёзат босқичлари босиб ўтилади:

*Тариқатга шариатсиз кирганларни,*
*Шайтон келиб имонини олур эрмиш.*
*Ушбу йўлни пирсиз даъво қилганларни,*
*Сарсон бўлуб, аро йўлда қолур эрмиш.* [6:169]

Яссавий ҳикматлари мавзувий доираси комил инсон ғояси, комиллик мавзулари билан боғлиқ. Айтайлик, кизб – ёлғон, каззоб – ёлғончи. Ёлғон ҳеч қачон одамга яхшилик келтирмайди:

*Ошиқ бўлсанг, каззоб бўлма, содиқ бўлғил,*
*Макр-ҳийла ишларидин йироқ бўлғил.*
*Оллоҳ теъу, соф қил дилни, нурға тўлғил,*
*Рост қулларни Оллоҳ билур, дўстларим-о. [4:111]*

Инсон дунёда ёлғон асосида яшаш учун эмас, балки дунёнинг мазмун-моҳиятини англаш, борлиқ ва ўзининг ҳақиқатини англаш учун ҳаракат қилган тақдирда комиллик сари одимлайди, маърифат соҳиби бўлиш сари боради.

Ҳилм – бўлар-бўлмасга аччиғланмаслик, арслон юракли бўлиш, юмшоқ табиатли бўлишдир. У инсон табъидан хусумат, адоват, ғазаб каби иллатларни йўқ қилади [5:51]. Ҳалим – мулойимлик, инсон умрига зийнат беради, мулойимликдан мақсад эса юмшоқлик ва тоза қалбликдир:

*Кўнгил бузгон жоҳилларни суймас Субҳон,*
*Ҳалим бўлиб, дийдор кўрунг, дўстларим-о.* [4:111]

Шунингдек, Яссавий ҳикматларида илм ва олим мавзусида ҳам иккиюзламачилик қораланади:

*Амал қилмас олим илмин босиб юргай,*
*Ўлуб борса, тор лаҳадда жони куйгай,*
*Во ҳасрато, амалсизлар нечук бўлгай,*
*Жону дилда Ҳай зикрини айтинг, дўстлар!* [4:31]

Дунё молини кўзлаган олим ўз умрини манманликда ўтказади, юриб ўтиши лозим бўлган йўлни босиб ўтолмайди, балки аро йўлда қолиб кетади. Иллат ва қабоҳатнинг илдизи ҳам айнан илмсизликдадир.

Тасаввуф тафаккурида илм ва маърифатдан мақсад инсон ўзлигини англаш орқали нафс мартабасини юксалтиришдан иборат. Инсон моддий ва нафсоний неъматлар тобелигидан халос бўлганда илмига амал қиладиган олимга айланади.

**Адабиётлар**


1. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. 10-жилд. -Т.: «Ғафур Ғулом», 2011.
2. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. -Т.: «Маънавият», 2000.
3. Иброҳим Ҳаққулов. Аҳмад Яссавий. -Т.: «Ғафур Ғулом», 2011.
4. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар куллиёти. -Т.: «Ўзбекистон», 2011.
5. Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 2 жилдлик, 2-жилд. -Т.: «Маънавият», 2006.
6. Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари. -Т.: «ФАН», 2003.



**РЕЗЮМЕ.** Мақолада Аҳмад Яссавий ҳикматларида мажоз ва ҳақиқат, шакл ва мавзу бирлиги, поэтик воситаларнинг ишлатилиши ҳақида фикр юритилади.

**РЕЗЮМЕ.** В статье рассматриваются метафора и истина, единство формы и темы, использование поэтических средств в мудрости Ахмада Яссави.

**SUMMARY.** The article discusses the metaphor and truth, the unity of form and theme, the use of poetic means in the wisdom of Ahmad Yassavi.


# «ГҮЛНАРА» ҲӘМ «ЖАМАН БАЛА»

(Б.Қайыпназаровтың «Гүлнара» ҳәм Т.Мәтмуратовтың «Гүл қыстырсам сүмбил шашыңа» қосықларының халық қосықларына айланыў өзгешеликлери)


**С.Баўатдинова** – *филология илимлериниң кандидаты, доцент*
*Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты*



**Таянч сўзлар**: мотив, лирик қаҳрамон, концепт, матн, радиф, миллий колорит, риторика, образ, диалог, монолог.

**Ключевые слова**: мотив, лирический герой, концепт, текст, редиф, национальный колорит, риторика, образ, диалог, монолог.

**Key words**: motive, lyrical hero, concept, text, redif, national color, rhetoric, character, dialogue, monologue.


Белгили шайырлар Б.Қайыпназаровтың «Гүлнара» ҳәм Т.Мәтмуратовтың «Гүл қыстырсам сүмбил шашыңа» атлы қосықлары 1960-1970-жыллары қарақалпақ халқының жаслары ушын ең бир күтилген қанаатлы (сазлы-еки қосықтың намасын С.Садықов жазған) кеўилдеги жырларының бири болды.

Б.Қайыпназаровтың «Гүлнара» қосығының тийкарғы идеясы- «яр күтиў». Лирикалық қаҳарманның ишки дебдиўи өзи менен өзи сөйлесиўлери монолог арқалы жүзеге шығарылған. Лирикалық қаҳарманның мухаббат толғаныслары бүлбил қустың сулыў сайраўын, гөззал жаслықтың тәкирарланбас шийрин, ләззетли демлерин ядқа салады. Онда мухаббатына деген интизарлық, садықлық бар. Қосықта лирикалық қаҳарманның азғана ўақыт ишинде сезимлери баян етилип, оның шын муҳаббат шайдасы екенлигине гүўа боласаң. Қосық текстиндеги бул усыл халықлық дөретпелердеги сыяқлы тиккелей қаҳарманға мүрәжәт етилип, тийкарғы идеяны ашады. Мысалы:

Кел деген жериңе келдим келмедиң
Кетип қалсам узақ күткил дермедиң
Сени бунша ким егледи билмедим
Көп күттирмей кел тезирек Гулнара [1].

«Гүлнара»-тексттиң тийкарғы идеясын жүзеге шығарыўшы объект болып, текст пенен тематика болып байланысқа түседи. Пүтин бир қосықтың пайда болыўына текстте белгили бир түсиниклердиң жәмленилген жыйындысы сыпатында ҳәр бир айтылған пикирлерге тийисли болып келеди. «Гүлнара»- қосықтың аты, текст ишиндеги текстлер жәрдеминде лирикалық қаҳарманның психологиялық ҳалаты, ой-пикири шығарманың мазмунлық өзгешелигин тәмийинлейди. Тематикалық жақтан анықлық, анық тема менен байланысқан лексикалық ҳәм фразеологиялық қәсийетлер коммуникативлик байланысқа ийе. Көркем әдебият адамды индивид ҳәм жәмәәт пенен байланысқа киритиў, бир адамға тийисли хабарларды, ҳәммеге тийисли мағлыўматларды шахсларға жеткериў арқалы оларды өз-ара байланысқа түсириў ўазыйпасына айланады. Бул көрсетеди коммуникатив байланыс ўазыйпасының ең зәрүр хызметлеринен болып, әдебият инсаный туйғылардың топланатуғын мәнзили сыпатында адамлар арасындағы байланыстың ең нәтийжели қуралы екенлигин. Көркем әдебиятта коммуникатив байланыс өз-ара сөйлесиў, пикирлесиў емес, коммуникацияда көркем тилдиң күши ҳәм ҳәр қыйлы тәсили арқалы баян етилген гәпти, тексти түсинемиз. Ҳәр бир көркемлик дәрежесиндеги коммуникатив байланысқа ийе сөз иляҳий ҳәм қудиретли ҳәдийсеге айландырылады. Дөретиўши тәрепинен қолланылыўына байланыслы көтерип шыққан машқаласының тийкарғы түсиниклерин сәўлелендиреди. Лирикалық қаҳарман Гүлнараға мүрәжат етиўи арқалы коммуникативлик байланысқа түседи. Мысалы:

Ядымда кешеги кел деген сөзиң,
Мен билемен келмей қалмайсаң өзин,
Үмит пенен қарар жолыңа көзим,
Көп күттирмей кел тезирек Гулнара.

Поэзия тилдиң ең үлкен уйымластырыўшы формасы. Б.Қайыпназаровтың «Гүлнара»сында сөзлердиң терең мәнилилиги, ритм, тексттиң музыкалылығы жәмленген ҳалда оқыўшыға, тыңлаўшыға эмоционал тәсир етеди. Айрықша эмоционаллық психологиялық жақтан қабыл етиўде өзиниң сазлылығы, эстетикалылығы менен ажыралып турады.

Қосық тестиндеги «Яр күтиў» мотиви қурамалы түрде көплеген мәнили түсиниклерди береди.

